- 17.30 Узбек навалари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек навалари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Сериал "Ва-банк" 12 серия
- 20.00 Узбек навалари
- 21.00 "Миссия неповторима" (повтор)
- 21.30 Мировые хиты
- 22.00 Комедия по понедельникам "Лжец"
- 00.10 Миксер

Сешанба 20

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Узбек навалари
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Мировые хиты
- 14.00 "Великолепная семёрка" (повтор)
- 14.30 Узбек навалари
- 15.00 Теленяня
- 15.45 Узбек навалари
- 16.30 ТОП-10 (повтор)
- 17.00 Узбек навалари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Мировые хиты
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Сериал "Ва-банк" 13 серия
- 20.25 Узбек навалари
- 21.00 Спецрепортаж
- 21.20 Мировые хиты
- 22.00 Кино "Деньги на двоих"
- 00.15 Миксер

Чоршанба 21

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Мировые хиты

- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Узбек навалари
- 14.00 Мировые хиты
- 14.30 Узбек навалари
- 15.00 Теленяня
- 15.45 Узбек навалари
- 16.00 "Миссия неповторима" (повтор)
- 16.30 Узбек навалари
- 17.00 "Очил дастурхон" (повтор)
- 17.30 Узбек навалари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек навалари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Сериал "Ва-банк" 14 серия
- 20.25 Мировые хиты
- 21.00 Узбек навалари
- 22.00 Лучшие фильмы про любовь "Настоящая любовь"
- 24.00 Миксер

Пайшанба 22

- 12.00 Марказ PROMO (узб.)
- 12.15 Узбек навалари
- 13.00 Марказ PROMO (рус.)
- 13.15 Мировые хиты
- 14.00 Спецрепортаж
- 14.20 Узбек навалари
- 15.00 Теленяня
- 15.45 Мировые хиты
- 16.00 Узбек навалари
- 16.30 "Великолепная семёрка"
- 17.00 Узбек навалари
- 18.00 Марказ PROMO (узб.)
- 18.15 Узбек навалари
- 19.00 Марказ PROMO (рус.)

- 19.15 Сериал "Ва-банк" 15 серия
- 20.30 Узбек навалари
- 21.00 "Юлдузли пайшанба"
- 21.30 Узбек навалари
- 22.00 Кино "Сволочи"
- 24.00 Миксер

Жума 23

- 12.00 Марказ PROMO (узб.)
- 12.15 Мировые хиты
- 13.00 Марказ PROMO (рус.)
- 13.15 Узбек навалари
- 14

ХУКУҚИЙ САБОҚЛАР



Турмуш ўртоғининг биринчи оиласидан битта фарзанди бор. Ана шу фарзанди учун у ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини алимент сифатида тўлаб келади. Ҳозирги оиласидан эса тўрт нафар фарзанди бор. Олаётган маоши шу тўрт нафар бола ва оиласини боқиб камлик қилмоқда. Шунинг учун алимент миқдорини бироз камайтирса бўладими?

С.ЧОРИЕВА,
Олмалиқ шаҳри

Агар турмуш ўртоғининг алимент тўлаётган бўлса ва айна пайтда унинг бошқа вояга етмаган фарзандлари алимент олаётган болага нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда тўлаши талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

Мен 1985 йилдан буён ҳайдовчилик қиламан. 2004 йилда мен ҳайдайдиган “КамАЗ” автомашинаси эскириб бораётганлиги сабабли тез-тез бузиладиган бўлди. Уни нормал юритиш ва корхонага нафи тегиши учун ўз ёнимдан харажат қилиб, таъмирлаб келаман. Аслида автомашина хизматини ўтаб бўлган.

Автомашина учун қилган харажатларимни ким тўлайди?

Н.АЗИЗОВ,
Тошкент вилояти

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида корхона, муассаса ёки ташкилот балансидаги транспорт воситасидан фойдаланиб келинганда, транспорт воситасининг амортизацияси ва ундан фойдаланиш давомида қилинган харажатлар иш берувчи томонидан тўлаб берилиши шарт. Агар ушбу харажатлар иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланмаса, харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан судга мурожаат этиш лозим.

Бундай ҳолатнинг келиб чиқишини олдини олиш ва унинг қонунийлигини таъминлаш учун иш берувчи билан олдиндан ёзма равишда келишув шартномаси расмийлаштирилиб кўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилада уч нафар фарзандимиз. Мен энг кенжасиман. Акам, опам бор. Опам турмушга чиқиб кетган. Отам билан акам яшайди. Мен анча йил олдин отам билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетганман. Яқинда отам вафот этди. Ундан қолган уй-жой, машина ўз-ўзидан катта акамда қолди. Менга ҳовли керак эмас. Лекин акамга машинани сотиб ярим пулини менга беришини сўраганимда, у отамнинг васиятномасига кўра, сен меросдан маҳрум этилгансан деди. Айтинг-чи, шу қонуний-ми?

А.ЖОВЛИЕВ,
Фарғона вилояти

ФКнинг 1120-моддасига кўра, мерос қолдирувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

ФКнинг 1119-моддасида нолойиқ меросхўрларни меросдан четлаштиришнинг куйидаги асослари белгилаб берилган:

— мерос қолдирувчининг ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

— мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси амалга оширилишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка қақирлишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайишига имкон яратиб берган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

— болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ҳамда қонунда назарда тутилган асосларда мерос қолдирувчига таъминот бериш мажбурияти зиммаларига юклатилган шахслар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда қонун бўйича ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Бир дўстим ёшлик қилибми ёки адашибми жиноят содир этиб, айни пайтда қочиб юрибди. Айтинг-чи, агар у содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб қайтиб келса, уни кечириб ҳамда жазодан озод этиш мумкинми?

С.ҲАКИМОВ,
Булунгур тумани

Агар дўстингиз содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унчалик катта бўлмай, биринчи марта содир этган бўлса, шунингдек, айбини бўйнига олиб, чин юракдан пушаймон эканлигини билдириб, келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиб, унинг очилишига фаол ёрдам берса, жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Шу билан бирга, уни жазодан озод этиш масаласи кўрилаётганда, содир этилган жиноятдаги тутган ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилади.

Мен йилига бир-икки марта қон топшириб тураман. Бироқ мен ишлайдиган корхона раҳбари қон топшириш учун касалхонага бориб келишимга рухсат берса-да, шу кун учун иш ҳақи тўламаслигини билдирмоқда. Шу тўғрими? Умуман мен каби донорларни ҳимоя қиладиган бирон-бир қонуний кафолат борми?

Ш.ШОКИРОВА,
Сирдарё вилояти

“Қон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида донорга бериладиган кафолатлар ва компенсациялар назарда тутилган бўлиб, унга кўра донор қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган кун, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган кунлари ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади.

Шу билан бирга, ўрта-маҳсус касб-хунар таълим муассасаларининг ўқувчилари, олий ўқув юр்தларининг талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган кун, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган кунлари мажбуриятлардан, ҳарбий хизматчилар эса нарядларни бажаришдан, хизматни ўташнинг вахта ва бошқа шаклларида озод қилинадилар.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган кунининг эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда кўшимча бир кун берилади. Унинг хоҳишига кўра мазкур дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши ҳам мумкин.

Мен ишлаётган корхонада баъзи-баъзида белгиланган иш вақтидан ташқари ишлашга мажбур бўламиз. Айтинг-чи, иш вақтидан ташқари ишга жалб этилганда ходимнинг розилиги сўраладими?

Қ.ЖўРАЕВ,
Жиззах шаҳри

Меҳнат кодексининг 124-моддаси иккинчи қисмига биноан иш вақтидан ташқари ишлар фақатгина ходимнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин. Шунингдек, қонун ҳужжатларида айрим ходимларни уларнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишни тақиқлайди.

Буларга:

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар (Меҳнат кодексининг 245-моддаси);

— I ва II гуруҳ ногиронлари, агар улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланган бўлса (Меҳнат кодексининг 220-моддаси);

— иш сменасининг муддати ўн икки соат қилиб белгиланган ходимлар (Меҳнат кодексининг 124-моддаси);

— ўта оғир ва ўта зарарли ишларни бажарувчи ходимлар (Меҳнат кодексининг 124-моддаси);

— иш вақтидан ташқари бажарадиган ишларининг муддати қонунда белгилаб қўйилган чегарадан ортиқча бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 125-моддаси).

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақида тушунча берсангиз?

А.САЛОМОВ,
Касби тумани

Меҳнат кодексининг 99-моддасида ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун ходим иш берувчини икки ҳафта олдин меҳнат шартномасини бекор қилиши тўғрисида огоҳлантиради. Огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан туриб ҳам бекор қилиниши мумкин, бунинг учун ходим билан иш берувчи ўртасида келишув бўлиши лозим.

Шунингдек, агар огоҳлантириш муддати тугаганидан кейин ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Мен шахримиздаги тиббиёт муассасаларидан бирида ҳамшира бўлиб ишлардим. Баъзи сабабларга кўра, бош шифокор буйруғи асосида ариза ёзиб вақтинча бошқа ишга ўтказишларини сўрадим. Орадан 6 ой ўтгач, бош шифокор қабулига кириб, ёзган аризамнинг вақти тугади, энди ўз жойимга ўтказинг дедим, у бу ҳақда бошқа оғиз очма, деди.

Айтинг-чи, вақтинча бошқа ишга ўтказишларини сўраб ёзган аризамнинг муддати ўтгач, илгариги иш жойимни талаб қилишим мумкинми?

Д.СОБИРОВА,
Тошкент шаҳри

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ариза ёзган киши, агар бу илтимосни қилишга ундаган узрли сабаблар тугаган бўлса, аввалги ишига қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт. (Меҳнат кодексининг 93-моддасига мувофиқ).

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўривчи органлар томонидан амалга оширилади (**Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 8-моддаси**)

Фуқаролар йиғинининг раиси ҳам нотариус каби ҳужжатларни тасдиқлаб беришига ҳақлими? У тасдиқлаган ҳужжат қонуний деб тан олинадими?

С.КАБИРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Кизирик тумани

Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидирлар:

— васиятномаларни тасдиқлайдилар;

— ишончномаларни тасдиқлайдилар (автотранспорт бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно);

— мерос мулкининг кўриқлашига доир чора-тадбирларни кўрадилар;

— ҳужжатлар нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлайдилар (маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари бундан мустасно);

— ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар.

(“Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ)

**Саволларингизга
ҳуқуқшунос Дониёр
ҲАЛИЛОВ жавоб берди**

Севги-муҳаббат нима ўзи, у қандай бўлади? Ва қандай бўлиши керак? Севган кишининг турмушга чиқиш ёки унга уйланиш шартми? Севги дегани бу фақат ҳис-туйғулардан иборатмики? Икки инсон бир-бирига интилиб яшайверадими ёки... Мехр-чи, севган кишининг ҳурмат, келгусида "турмуш" деб аталувчи узундан-узун йўлларнинг босиб ўтиладиган пасту баланд сўқмоқларидаги ҳамроҳликнинг оқибати-чи? Мана шуларни ҳаёлимдан ўтказар эканман, ўзим гувоҳ бўлган бир муҳаббат тарихини айтиб бермоқчиман.

Бу воқеага чамаси 15 йиллар бўлди. Менинг Фазилат исмли ажойиб дугонам бор эди. Ёшликнинг энг гўзал даврлари эди. Биз ҳеч қандай севги-муҳаббат, ғам-ташвишсиз кунларни ўтказардик. Фазилат табиатан қувноқ, шўх, чўрткесар қиз эди. Шу билан бирга Оллоҳ унга ақл-идрок ҳам инъом этганди. Дастлаб мен уни энгил табиат деб ўйлагандим. Вақт ўтиб, яқинроқ танишгач, Фазилатнинг одатларига тушуниб, кўника бошладим. Лекин унинг тилида нима-ю, дилида нималигини тушуниш жуда қийин эди. Чунки у ҳар бир гапини ҳазил аралаш гапирарди.

Шундай беғубор кунларимизнинг бирида корхонамизга Қодир деган йигит ишга келди. Ё тавба, Қодирнинг одатлари Фазилатнинг одатларига жуда ўхшаш эди. У янада шўхроқ бўлиб, ерга урсанг, осмонга сапчирди. Кунлар ўтиб Қодир билан ака-сингилдай яқин бўлиб кетдик. У ҳоли жонимга қўймасди. "Менинг синглим йўқ, сиз менга сингил бўласиз", деб ҳар кун олдимга 3-4 марта келиб, ярим сотлаб гап "сотиб" ўтирарди. "Ишимга ҳалал беряпсиз", деб эътироз билдирсам ҳам, ҳар хил кулгили воқеалар айтиб бермасдан кетмасди. Хайдасам ҳам кетмайдиган "акам" Фазилат ёнимизга келиб қолса, гапирарди гапи ҳам эсидан чиқиб, бирор нарсани баҳона қилиб кетиб қоларди. Бундай ҳолат бир неча бор қайтарилгандан сўнг менга ғалати туюлди. "Фазилат билан ораларидан бир гап ўтган бўлса керак", деб ўйладим. Бир кун яна шундай воқеа қайтарилгач, мен Фазилатдан сўрадим:

— Кўнглингни олмагин-у, Қодир билан ораларингдан бир гап ўтганми?
— Ҳа. Мен уни бир-икки марта кўчада тутулиб урганман, — деди Фазилат яна ҳазилини қўймай.

— Фазилат! Ахир мен ҳазиллашмаяпман. Сўрашимнинг сабаби — Қодир билан гаплашиб ўтирганимизда сен келиб қолсанг, қулиб-қулдириб ўтирган одам, жиддий тусга кириб бир баҳона билан кетиб қолади.

Фазилат бир дақиқа жим қолди ва жиддий тусда:
— Билмайман. Индамасанг салом-аликни насия қилиб кетади-ку, орамиздан қандай гап ўтиши мумкин.
Одатдагидек суҳбатларимиз давомида Қодир секингина Фазилат тўғрисида сўраб кўярди. Яна билдирмасликка ҳаракат қилиб, гапни бошқа томонга буриб юборарди. Шундай қилиб, Қодирнинг Фазилатга бепарво эмаслиги маълум бўлди. Унинг Фазилатга бўлган муносабати бутун корхонамиз ишчи-хизматчиларига аён бўлиб қолганди. Лекин Фазилат-чи? У Қодирга нисбатан қандай муносабатда? Буни ҳеч ким билмасди. Ҳамма "Фазилат Қодирни ёқтирмайди. У

Қодирни менсимаса керак", — дейишар эди, (Фазилатнинг дадаси катта лавозимда ишларди). Ҳаммамиз бундай муносабат нима билан тугаганини кутардик.

Бир кун Қодир менга:
— Агар йўқ демасангиз, сиздан бир илтимосим бор, — деб қолди.

— Қандай илтимос экан, агар қўлимдан келса, бажонидил, — дедим.

— Гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман. Очқ-ойдин гапирмаган бўлсам ҳам, Фазилатга кўнглим борлигини биласиз.

— Қандай, балки ундан кўрқарсиз, — ҳазилга йўйдим.

— Ҳа, топдингиз. Кўрқаман, — деди ҳазилимга жавобан. Орага сукунат чўқди.

— Уйдагилар мени уйлантиришмоқчи, — дея яна жим бўлиб қолди ва давом этди. — Сиздан илтимос, ҳар ҳолда Фазилат билан яқин дугонасиз. Менга нисбатан кўнгли борми-йўқми билиб берсангиз. Агар озгина бўлса ҳам кўнгли бўлса...

— Қизиқ экансиз-у, йигит киши бўлсангиз, ўзингиз кўнглингни оча-

Бир ажиб севги

вермайсизми? Ёки шартта совчи қўйинг. Қизлик уй — бозор, дейдилар...

— Тўғриси айтсам, уйга совчи қўйиб рад жавобини олишдан кўрқаман...

— Майли, мен бир йўлини қилиб сўраб кўрарман, — дедим. Бир кун тушлик пайтида, гапни узоқдан бошлаб секин Фазилатга сўз қотдим:

— Фазилат, агар Қодир кўнглидагини очиб, севга уйланаман, деб қолса нима дердинг? У қулиб юборди ва:

— Қим? Қодирми? Менгами? Йўғ-э?


— Қодир ўзи севга ёқадими? Фазилат индамади. Бир неча дақиқадан сўнг:

— Назаримда, Қодир ёмон болага ўхшамайди. Лекин менга тўғри келмайди, — дея суҳбатимизга нукта қўйди.

Мен ундан қайта сўрамадим, чунки унинг одатини яхши билмаман. Ортиқча гап-сўзга тоқати йўқ, дарров жажли чиқиб кетади. Ундан кейин ўзимча, "дадаси катта лавозимда ишлайди-да, ўшанга Қодирни менсимади, шекилли", деб ўйладим. Қодирга Фазилат билан ўртаимизда бўлган суҳбатни айтдим. Қодир ғалати бир ҳолатда "билардим..." деди-да, кетиб қолди. Мен ҳайрону лол эдим. "Наҳотки, инда-

май кетаверса? Фазилатга ўзи бафуржа тушунтирмайдими? Кўнглини очмайдими?", деган сўзлар мени тинч қўймасди.

Орадан бир неча ой ўтиб, "Қодир уйланаётганмиш" деган гап эшитдик. Тўй кун ҳам яқин қолди. Ҳамкасблар йиғилишиб, тўйга бориш тараддудини кўра бошладик. Фазилат негадир тўйга бормаётган деб, туриб



дан, сен эса...
— Йўқ, сен ўйлаганчалик эмас.
— Нима бўлмасам? "Менга тўғри келмайди" деган гапингдан тонмассан ахир.
— Эҳ, дугонажон. Ҳа, мен ҳам уни ўзимча севаман. Билсанг

эди, менинг унга нисбатан бўлган муҳаббатим қанчалик кучлигини. Лекин севиш дегани, албатта севганингни турмушга чиқ дегани эмас-ку.

— Тушунмадим. Фазилат, тушунтириброқ гапир. Тасаввур қилолмайман. Севганингнидан воз кечиб, унинг бошқа аёлнинг бир умрлик жуфти ҳалоли бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи оғир-ку.

— Биласанми, мен муҳаббатни ўз дунёимда бошқача тасаввур қиламан.

Узингдан қолар гап йўқ, атрофимизда қариндош-уруғ, кўни-қўшни, таниш-билишларнинг турмушини кўриб-билиб турадим. Ўзгани четдан туриб кузатиш осонроқ, Хоҳласак-хоҳламасак баъзи турмуши бузилиб кетаётган оилаларнинг гувоҳи бўламиз. Ана шундайларни кўриб ўз муҳаббатимдан кўрқиб кетаман. Чунки, ажралиб кетаётган оилаларнинг баъзилари севиб-севилиб турмуш қуришган.

Қарияларимиз "турмушнинг "мушти" бор" дейишади. Турмуш қургандан кейин ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларини босиб ўтиш керак. Бу узоқ ва машаққатли йўлни фақат чидаган одам босиб ўта олади. Унга бўлган қалбнинг баъзи муҳаббат, чексиз ҳурмат, унинг соғсаломатлигидан огоҳ бўлишнинг ўзи бир "севги" эмасми?

Турмушда нималар бўлмайди, дейсан. Беайб Парвардигор. Агар севган ва бутун вужудим билан ишонган кишим менинг дилимни ноҳақ оғритиб қўйса ёки Худо кўрсатмасин хиёнат қилса, уни ҳеч қачон кечиролмасам керак. Кечиролган тақдиримда ҳам қалбимда яранинг

ўрни қолиб кетса-чи. Шулар ҳақда ўйлаб юрагим орқага тортиб кетади. Худди муҳаббатимни йўқотиб қўётганга ўхшайман. Шунинг учун Қодирга бўлган ҳис-туйғуларимни яширдим, унга турмушга чиқишга ҳам ошиқмадим. Агар Қодир турмушдан мамнун ва бахтли бўлса, мен ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Мен унга бахт ва фақат бахт тилайман. Мана шундай ҳис-туйғу мен учун — муҳаббат. Қандай тушунсанг, тушунавер.

— Э, менинг сир-синаотларга бой дугонам-эй. Сени Қодирни менсимайсан десам, ҳамма муҳаббат сенда экан-ку, — биз яна ҳазил-хузул гапларга ўтиб кетдик.

Бир йилдан сўнг Фазилат ҳам турмушга чиқди. Қодир бизнинг қорхонадан бўшаб кетди. Мана орадан бир неча йиллар ўтибди ҳам-ки, ўша-ўша қувноқ, шўх, чўрткесар Фазилат. Турмушдан бирон марта нолиганини эслолмайман. Икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи ҳам жуда ҳурмат қилади. Яқинда Қодирни учратиб қолдим. Худонинг қудратини қарангки, у ҳам ўша-ўша ерга урса осмонга сапчидиган, фақатгина анчагина улгайган йигит. Кўришиб икковимиз ҳам қувониб кетдик. Ҳол-аҳвол сўрашиб, у ёқ-бу ёқлардан гаплашдик. Гап орасида у секин:

— Фазилатни кўриб турасизми, яхши юрибдими? Турмуши яхшими? Ўзгариб кетгандир-а?

— Қаёқда дейсиз, у ўзгарармиди. Турмушдан нолимайди. Турмуш ўртоғи уни кўкка кўтарди... Сиздан бир нарсаси сўрамоқчиман.

— Сўранг...

— Мана орадан йиллар ўтди. Худого шўқур, бахтли оилалардан бирисиз. Фақат бир нарсаси ҳали-ҳануз тушунмайман. Нима учун Фазилатга бўлган муҳаббатингизни яширдингиз, нега очқ-ойдин унга "Сени севаман" деб айтмадингиз?

— Сизга нима десам экан. Билмадим, йигитлик гурурим йўл қўймадими, тўғридан-тўғри севгимга иқдор бўлолмадим.

Балки бирга бўлганимиз, иккимиз учун ҳам яхши бўлгандир. Тўғри, аввалига жуда қийналдим. Турмуш ўртоғимни кўрганда, Фазилат кўз ўнгимга келаверарди. Ишдан бўшаб кетишимнинг ҳам сабаби шунда эди. Кейинчалик секин-аста тушуна бошладим. Ҳаётнинг мазмуну севган кишинг билан турмуш қурганда эмас экан. Унинг, бу сермазмун ҳаётда бахтли эканлигини билиш, сезишнинг ўзи менга катта бахт. Юрагимда унга нисбатан бўлган чексиз ҳурматим ва меҳримнинг ўзи ҳаётимда ўчмас из, дилимдаги чексиз меҳр-муҳаббатдир.

Қиссадан ҳисса деганларидек, Қодир билан Фазилатнинг ажиб севгиси ҳаваз қилса арзигулик. Баъзи бир севдим, ўлдим-қолдим деб, ҳаётига нукта қўймоқчи бўлган, бошқасини севолмайман, деб йўлаб юрган йигит-қизларимизга бу ҳикоя ибрат бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА

19-25 июнча МҚНАЖЖИМАЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Душанба кун катталар билан муносабатда эҳтиётроқ бўлинг. Ақс ҳолда панд ёб қолишингиз мумкин. Ҳаракат қилсангиз анча-мунча ютуқларга эришасиз. Аммо унинг сабабчисини унутманг.

БУЗОҚ. Ушбу ҳафта сиз учун воқеаларга бой кунлар бўлади. Кўплаб фойдали шартномалар тузишингиз мумкин. Ҳафта охирида моддий рағбатлантириласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ишда хатоликларга йўл қўйманг. Чунки ҳаммамнинг кўзи сизда. Ижодий фаолиятингизда ўзгартиришлар киритилади. Ҳафтанингизга кенг йўл берилади. Бу имконият сиз учун айни муддао.

КИСКИЧБАҚА. Янги ҳафта тортишув ва келишмовчиликлар билан бошланади. Руҳий тушкунликка тушманг. Бу омадсизликлар вақтинча. Ҳафта охирида ишингиз яна олдинга силжий бошлайди.

АРСЛОН. Ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларга ушбу ҳафта яхши келади. Учрашув ва шартномаларни режалаштириш унумли бўлади. Фақат номақбул ишлардан тийилинг.

ПАЗИЗОД. Ҳафта давомида қўл урган ишингиз бароридан келади. Ҳаётингизга ўзгартириш киритиш истиқо ҳам йўқ эмас. Анчадан бери лойиҳа учун сарфлаган сармоянгни ўз меvasини беради. Дам олиш кунлари оила даврасида бўлинг.

ТАРОЗИ. Ҳафта аввалида захматли меҳнатингиздан қониқиб сезасиз. Учрашув ва келишувларни ҳафтанинг иккинчи ярмига режалаштирганингиз маъқул. Раҳбарлар билан умуман тортишманг. Улар кўрсатмаларига амал қилинг.

ЧАЁН. Ушбу ҳафтада ҳамкасбларингиз билан маданий тадбирларга аралашманг. Аввал олдингиздаги муаммоларни бартараф қилинг. Агар ишда ўзгартириш истиқо бўлсангиз, фурсатни қўлдан бой берманг. Бунда янги иш ёки гоёлар сизга анча наф келтиради.

ЎКОТАР. Яқинларингиз билан муносабатингиз бузилган. Ҳамкорликни яна йўлга қўйиш учун алоқани тикланг. Сизга янги иш таклиф этишлари мумкин. Биснесдаги ишларингиз кўнглидагидек бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта бошида кунларингиз зерикарли ўтади. Кейинчалик ишлар юришиб кетади. Иш билан боғлиқ учрашув ва сафарга чиқишингиз мумкин. Муаммоларингизни ҳам унутманг. Уни бартараф қилишда дўст-биродарлар маслаҳатига қўлоқ солинг.

ҚОВҒА. Ҳар хил ҳаёлларга берилиб ишингиздан чалғиманг. Ақл-хушингизни йиғинг. Моддий қийинчиликлар жиддий муаммоларни келтириб чиқармаслиги учун ҳозирдан шуғулланг.

БАЛИК. Душанба кун кутилмаганда яхши хабар эшитасиз. Янги ҳамкорлар билан тузилган режалар ўз самарасини беради. Ҳафта охирида моддий рағбат олиншингиз кутилмоқда.

СКАНВОРД

									Таом	
	Транспорт	Ойна кесармаъдан	Рақамли уйин	Чолғу	Корея сериали			Хамирли таом	Хоққеи тупи	Чин...
				Туман Бухоро	Самар (шоира)					
	Вилоят (Россия)		Хузурхалват	Енгил вази-фа				Нашрга аъзолик	Ииртқиш қуш	
	Рус аёли исми	Таом тури						Сувули	Шонга сазовор	
			Мева					Асалари ашёси		
			Дарраҳт	Ўсимлик	Касаллик				Торли соз	
	...Бе-руний			Ноевой учоги						
	Харо-рат асбоби		Қадим-ги юнон шоҳи	Илм						
		Зафар кучиш								
	Пойтахт (Европа)	Хуранда анжоми	Муло-за-мат							
	Дав-лат	Бобо	Аёл исми	Хинд шаҳри				Дарё	Касал-лик	Зич, ме-тин
			Ижод-кор					Аме-рика тоғли-ги		Қалб
	Низом, қоида			Ден-гиз ииртқи-чи				Кел-ци-оии		
			Ку-рил-ма	Либос қисми						Фи-зик зарра
	Фао-лият йу-си-ни	Ини Бог-ловчи	Сай-ёра							Ра-қам
	Эр-как исми	Хо-мий-лик			Қитъа	Самолет		Самолет		
					Санъат	Қурол		Ита-лия шаҳ-ри		

**Калит бўлиб келдинг,
ўйинчоқ эмас,
Бир, бир хазиналар оча
билсанг бас.**
Амир Хусрав Деҳлавий

Гуллар нафақат кўзни яшнатувчи гўзаллик рамзи, балки саломатлик учун ҳам ниҳоят фойдали неъмат ҳисобланади. Мунажжимларнинг башорат қилишларича табиатнинг мукамал ижоди ҳисобланган гуллар хусни-таровати, ранги, хиди билан инсон танасининг самовий нозик қатламларига сингиб, туйғуларни жилолантиради, уни илҳом ва завққа ошуфта этади. Негаки, гуллар инсон танасидаги эҳтиёжларни нозик ҳис қилишаркан. Шу боис улар инсон руҳиятига турлича таъсир кўрсатади.



КИМГАДИР ЁҚАР ДОЛА. КИМ АТИРГУЛ ШАЙДОСИ...

Қадимги ҳинд донишмандларининг эътироф этишларича, одам организмидаги хужайралар ва коинот нурлари орасидаги ўзаро уйғунлик бузилса, касаллик хуруж қиларкан. Ана шундай ҳолатда юлдуз буржи билан боғлиқ гуллар касалликни енгишга кўмаклашаркан. Мутахассисларнинг илмий кузатишларича, ўн икки бурж соҳибларининг ўзига хос гуллари бор. Ҳар кимнинг ўз гули унинг вужудига оҳанрабодек таъсир кўрсатиб, ҳаётий қувват бахш этади. Шу боис гуллар ҳамиша эъзодда. Энг яхши кунларда одамларга гул ҳада этишди, қизалоқлар кувнай-кувнай сочларига гулбаргак тақадилар, хонадонлар файзи сифатида гул экиб, парваришлайдилар.

Куёш Арслон (Асад) буржига мойил саллагул (пион), чиннигул (гвоздика), кўкмараз (гешотрок) ва ёввойи атиргулни бошқаради.

Саллагул Хитойда узоқ умр ва муҳаббат тимсоли саналади. Японлар эса уни ҳаё-ибо рамзи ҳисоблайдилар. Мўғиллар эса саллагулни овқатга солиб, қовурулган уруғидан эса чой дамлаб истеъмол қилганлар. Нима бўлганда ҳам саллагулларни инсонни ёмонликдан асровчи қалқон сифатида эъзозлашган.

Ойнинг гуллари эса саратонга хос ҳисобланиб, улар туркумига лилия (лола гулларга мансуб дуккакли ўсимлик), оқ нилфия (кувшинка), ҳамишабахор гули (ноготка), бўтакўз (восилёк), бинафша, капалакгул киради. Бинафшанинг оқ рангидан, сариғи-хайрат, сиёҳранги эса маъсумлик рамзи ҳисобланади. Нозиктаъб французлар бинафша гулдастасини муҳаббатлари тимсоли сифатида бир-бирига тақдим этаркан. Инглизлар ҳам бу гўзал чечакни севги чечаги, дейишаркан. Қадим юнонликлар эса оқ, сариқ, сиёҳранг бинафшани муҳаббат тумори (учлиги) деб билишган.

Муштарий (Меркурий) сайёраси эгизаклар ва сунбуланинг гули эса валерияна медуница (асалгул) ва райхон ҳисобланади. Райхон гуллар ичида хушбўй, ёқимли бўлиб, ўзига хос хиди думоқни ва мянни очувчи, ақлни пешловчи, руҳни кўтарувчи хусусиятга эга.

Зухра (Венера) юлдузининг таъсиридаги Жаддий ва Тарози гуллари лилия, бўтакўз, чиннигул, сумбул, сафаргул, дасторгул ва атиргул кириб, ушбу бурждаги одамларга бу гуллар шифобахш таъсир кўрсатади, руҳини кўтариб, чарқонни ёяди. Айниқса, сафсаргулни тумор сифатида тақиб юриш японлар ва мисрликларга одат бўлган.

Миррих (Марс) савр буржига оид гулларни бошқарган. Булар саримсоқпёз, қирқбўгин, қушқўнмас гуллариридир. Қушқўнмас хунук ва ўткир тиканли бўлиб, қадимги аждодлар у билан ёвуз кучларни ҳайдайди, деб ҳисоблашган. Хонадонни ёмон кўздан асраш учун уни осиб қўйишган. Замонавий тиббиёт ҳам бу ўсимликнинг шифобахшлигини аниқлаган.

Юпитер қавс гуллари бўлмиш райхон, лаванда, жасмин доимий яшил ўсимликлар ҳисобланиб, улар шифобахшлиги билан инсонга руҳий қувват берган. Айниқса, жасмин бу бурждагилар учун фойдалидир.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва тармоқ касаба уюшма Қашқадарё вилояти кенгаши Муборак туман тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Арслон Қувончиевга волидаи муҳтарамаси
САФАРГУЛ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ



Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулк кўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимидаги ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига қўйилган куйидаги объект бошланғич баҳосига нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан пасайиш механизми 2006 йил 19 июндан бошлаб ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайтириш тартибида давом эттирилишини маълум қиламиз. Сирдарё вилоятида жойлашган, Янгиер шаҳар ҳокимлигига қарашли меҳмонхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 48920, 50 минг сўм. Пасайган баҳоси — 25000,0 минг сўм.**

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўyxатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳмад Уразбоев кўчаси, 1 "А" уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: 399 84 48, 399 80 31. Факс: 399 80 26
www.rkmb.uz

Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

Тузувчи Ф.ОРИПОВ

Газетамизнинг 10 июн сонидан берилган сканворднинг жавоблари:

Мазут. Учувчи. Зайнаб. Тропик. Раёно. Воҳид. Драҳма. Тайсон. Пона. Она. Ин. Транспорт. Ридо. Умарий. Кемтик. Амударё. "Изаура". Анойи. Рад. Одина. Осмон. Матбуот. Дурдона. Адир. Упа. Алиф. Доде. Мана. Оға. "Нола" Марс. Ҳамдам. Йил. Дала. Ун. Раж. Офтобойим. Ёмгир. Ражаб. Истеъдод. Асл. Леонов. Ноиб. Таскин. Нант. Эталон. Есенин. Ал. Саёз. Она. Капрон. Аъло. Ом. Жонсон. Аёз. Адоват. По. Назм. Замона. Омонат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти



- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла қафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.



ОРИЯТ

Ривоят қиладиларки, бир куни бойлик, илм ва ор-номус учрашиб қолибди. Бойлик:

— Агар мен йўқолиб қолсам, саройда бўлман, — дебди.

— Мени йўқотиб қўйсангиз мактаб-мадрасадан топасиз, — хитоб қилибди илм.

— Агар мен йўқолиб қолсам, — дебди ор-номус, — ахтариб юрманг, ҳеч қаердан топа олмайсиз.

Ҳа, орият йўқолмасин экан...

Атиги бир нечта юмшоқ ўриндик, стол-стул билан тўлиб қолган торгина хонасида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Мадиев муқовасида мазкур театр биноси акс эттирилган мўъжазгина рангли китобчани қўлимга тутқазди. Одатим бўйича сўнгги варагини очдим. Кўз югуртирдим.

“Бугунги кунда театр ижодий жамоаси замон руҳи билан йўғрилган, тўлақонли янги-янги сахна асарларини яратиш, мухлислар ва томошабинлар сафини кенгайтириш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. “Жайдари келин” комедияси (режиссёр Баходир Назаров), болажонлар учун “Не бўлди менга” (режиссёр Боир Холмирзаев) томошаси сахналаштирилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳомийлигида Рустам Мадиев қаламига мансуб, замонавий мавзудаги ёшлар ҳаётига бағишланган “Бахтли бўл, дугонажон” (Фарҳод Олимов мусиқаси) икки пардали мусиқий трагикомедияси сахналаштирилди.

Иқтидорли ёш актёрлар яратган мазкур сахна асари узлуксиз намойиш этилиб, томошабинлар ва кенг жамоатчилик олқишига сазовор бўлмоқда”.

Кўпчилик эътибори ва эътирофига сабаб бўлган бу асар ўз йўлини танлашда адашган айрим ёшларнинг фожеали ҳаёти хусусида. Бу ҳақда кейинроқ... Ҳозир Рустамни санъат оламига кириб келиши ва шу кунлардаги фаолияти тўғрисидаги айрим чизгиларни сизга ҳавола қилсам.

Боболаримиз маърифатли, оқу қорани таниган, замонасининг зукко кишиларидан бўлган. Шўролар кулоқ қилиш-

гач, дадам, амакиларим анча қийналиб қолишган. Оталарининг элга қилган яхшилиги, саховати, қолаверса ор-номус, машаққатли меҳнат улар қаддини яна тиклаган.

Ўйлаб кўрсам, сулоламизда янгиликка, санъатга интилиш бобомерос анъана бўлган.

Қишлоққа маънавият туб касбиликлар орқали кириб келган десам мубо-

рассомчилик институтининг актёрлик факультетига ўқишга кирдим” деган хушxabар олдим.

Талабалик йилларида Рустамни кўргани Тошкентга келдим. Институтда дарс бораётган экан. Кутдим. Эшитилиб турибди. Актёрлик маҳоратими, сахна нутқиданми амалий машғулот бўлапти. Табиқ овоз. Рустам жавоб берапти:

“...Бир донишмандга маслаҳатга келишибди.

— Ҳўқизимизнинг калласи тандирга

БАХТ — ТАНЛАГАН ЙЎЛИНГДА

Яқин кишиларинг ҳақида ёзиш эҳтимол, мухбирлик одобига мувофиқ келмас. Аммо, назаримда, муҳими ҳақиқатдан чекинмаслик, воқеа-ҳодисаларга ҳолисона ёндошиш. Ахбор ровийларига узримни айтиб, ёзилажак мақоламда ўсиб келаётган ёшларга ибрат бўлувчи нимадир борлиги сабаб юрагимга яқин воқеаларни рақам қилишга журъат этдим.

лаға бўлмас. Эсимда Рисолат холанинг патефонлари бўларди. Қўшнилари жам бўлишиб кўшиқ эшитишарди. Электр бўлмас ҳам акамиз қаерлардандир “накал”, “батарея” билан ишлайдиган қўлбола радиоузел олиб келиб, бир неча хонадонга радиокарнай ҳам ўрнатганди. Кечкурун радио тинглаб ухлаб қолардик, эрталаб яна ёқимли мусиқа уйғотарди.

Алойда холанинг эса “Зингер” тивув машинаси бўларди. “Машиначи буви” деб донг чиқарган эдилар. Қўни-қўшни, ҳатто узоқ қишлоқлардан ҳам тикиш олиб келишарди. Қизик, хизмат ҳақида ҳеч қачон пул олишмасди. Салом амаки дутор чертарди. Ҳозир бир ўгли яхшигина кўшиқчи.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Касби туманининг Катта Хитой қишлоғи биқинидаги хўжалар яшайдиган маҳаллага электр сими тортилди. Илк бор ушбу хонадонда зангори экран нур таратди.

Лойсувоқ уйимиз доимо оқланган, ҳовлида турли дарахт, гул, экин-тикин бўларди. Энг муҳими, бу хонадондан одамлар қадами узилмасди. Рустам ана шундай муҳитда ўсди, вояга етди...

ЭЗГУЛИККА ЙЎЛ

Муса акам Тошкентда журналистика факультетига ўқишга кирди. “Қўлидан кетмон тушмаган Каром Мадининг ўгли Тошкентда ўқишга кирганмиш, ё тавба...”, деганлар ҳам бўлди.

У киши университетни тугатиб, ҳозирги “Туркистон” газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлаётганда мөн мактабнинг ўнинчи синфини тугатдим.

— Россиядаги институтларга қабул бўлаётган экан, борасанми? — сўрадилар муҳрибонлик билан.

— Адабиёт ўқитадими?

— Ҳа.

— Бўпти, бораман.

Орёл шахрида ўқиб юрган кезларимда Рустамдан “Нархоз”га кирасан дейишяпти, мен эса унга қизикмайман” деган мазмунда хат олдим. Уни яхши билардим. Болалигидан санъатга меҳри бўлакча эди. Ҳатто ёғочдан қўлбола рубоб ясаб, кўшиқ айтарди. Ушанда ҳам Рустам бошқача эди. Истеъдодли, камтар ва ориятли.

“Куш парвоз учун яратилган, санъатни танлабсан, шу соҳага ўқиш учун хужжат топшир” деб жавоб ёздим.

Кўп ўтмай ундан “Тошкент театр ва

кириб қолибди, қандай қилиб чиқарсақ бўлади, тақсир?

— Йўли осон, — дебди у. — Ҳўқизнинг бўйинини кесиш керак.

Кесибдилар, калла тандирнинг

ичида қолибди.

— Энди нима қиламиз? — деб сўрашибди.

— Тандирни бузиш керак, — деб маслаҳат берибди у.

Шундай қилиб, ҳам хўқиздан, ҳам тандирдан айрилишибди. “Донишманд” ўзича нима дермиш: “Биздек аҳли донолар бўлмаганда, билмадим, бутун олам вайрон бўлиб кетган бўлармиди?”

Аудиторияда “гур” кулги кўтарилди. Назаримда унинг овози нақ юрагимга бориб, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб юборганди. Ушанда Рустам учун энг тўғри йўл — санъат эканлигини ҳис қилган эдим.

Мактабда ишлаб юрган кезларимда Рустам Муқимий номи театрда ишда қолибди, Тошкентдан уй олаётган эмиш, деб эшитдик.

ЭЪТИРОФ

Мана, орадан салкам ўттиз йил ўтиб, театр биносига учрашиб турибмиз. Рустам олдимга бир даста хужжатларни кўяди. Варақлайман. Кўнглим кўтарилади.

...1979 йилда Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг мусиқали драма факультетини, 2000 йилда мазкур институтнинг олий режиссёрлик курсини битирган.

1978 йилдан буён Муқимий номидаги театрда актёр, кейинги ўн йилда эса режиссёр ва драматург сифатида фаолият кўрсатиб, мусиқий театр санъати ривожига самарали улуш қўшиб келмоқда.

У актёрлик фаолияти давомида элликтдан ортиқ турли характер ва жанрдаги етакчи образларни ўзига хос маҳорат билан яратди.

Театр сахнасида Абдурашидхон (“Муҳаббат навоси”), Азиз (“Юсуф ва Зулайхо”), Амир Насрулло (“Нодирабегим”), Навҳал (“Лайли ва Мажнун”), Ёд-

горбек (“Ватан ишқи”), Норбойвачча (“Паранжи сирлари”), Шерхўжа (“Мангулик”), Мамасоли (“Тошболта ошиқ”), Ҳабибулло (“Узилган торлар”), Ҳожи (“Нурхон”), Бахман (“Гул ва Наврўз”), Алиев (“Фотима ва Зухра”), Навоий (“Ажиб саодат эрур”), Жавҳарий (“Топталган туйғу”), Бобур (“Бобур соғинчи”) сингари, у ижро этган ва этаётган ролларни, шунингдек, Ўзбекистон телевидениесида яратилган “Муҳаббат нидоси” видеофильмидаги Фиръавн, “Адолат манзили”даги

терговчи Миржалолов, “Занжир”даги райком секретари, “Шабнам гули”даги бош шифокор, “Кўнгли кўчалари”даги Қаҳҳор образларини санъат ихлосмандлари яхши билишади.

Рустамнинг режиссурага қўл уриши ва унинг ижобий самараси мазкур театр фаолиятида ўзига хос аҳамият касб этади. Режиссёр сифатида сахналаштирилган театр репертуаридаги ва телевидение олтин хазинасидаги “Севги нидоси”, “Фотима ва Зухра”, “Девона”, “Оқибат”, “Тақдир”, “Диёнатга хиёнат”, “Қудуқ тубидаги фарёд”, “Мангу машъал”, “Ажаб саодат эрур”, “Бобур соғинчи” сингари ўндан ортиқ спектакллари аллақачон томошабинларнинг кўнгли тўридан жой олган.

Р. Мадиев ўнга яқин драматик асар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Республикамаида ўтказилаётган қатор байрам дастурлари, оммавий спорт ва маданий тадбирларни чиройли ўтказишда режиссёр сифатида ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, Маннон Уйғур номи санъат институтида режиссёрликдан ёшларга сабоқ бермоқда.

Дарвоқе, мақола бошида эслатганим “Бахтли бўл, дугонажон” спектаклини бир кўринг. Бу асар уч севишганлар ҳақида. Бир — миллий урф-одат ва қадриятларимизга риоя қилиб, ҳаё, орномусини асраб бахт топган бўлса, бошқаси ўзлимизни менсимай, Европага кўр-кўрона тақлид қилиб, беҳаёлларча кийиниб, севгисидан жудо, шармандаю, шармисор бўлади. Яна бошқаси, диний илм ўрганиш баҳонасида ҳижобга кириб, ёт оқимлар гирдобиди, Ватанимиз душманлари ногорасига ўйнаб, келажигини барбод қилган.

Ҳа, нотўғри танланган йўл ҳалокатга олиб бориши, шубҳасиз.

Тўғри йўлнинг манзили эзгулик. Ундан юрганлар куёш янглиғ одамларга яхшилик соғиниб яшашади. Рустам машаққатлардан чўчимай ана шу йўлни танлади. Эл эътиборидаги санъаткор бўлди.

Яқинда театрга бордим. Репетиция бўлаётган экан. Бир актриса ҳовлиқиб чикди:

— Рустам акани бир баҳона қилиб чақиринглар, уриниб қолмасинлар.

Рустам ҳолсизгина бўлиб ёнимга келди. Бироз соғлигини олдирган. Бошига азиз фарзандидан жудо бўлиш қисмати тушган. Бари Аллоҳдан.

Ижодий жамоанинг унга меҳр-муҳаббати, самимияти, оғир дамларида кўнглига қараб аяётганидан тўлқинланиб кетдим.

Довуд МАҲДИЙ

РУСТАМ МАДИЕВ:

“Ёзувчиликни даъво қилмайман, драматик асарларга эҳтиёж сезганим учун қўлимга қалам олганман”.

“Театр — бу жонли мулоқот. Одамлар онгига таъсир қилишнинг самарали воситаси”.

“Спектакл бир неча бор кўйилади. Ролни ўйнаган сари уни такомиллаштириб, маромига етказиб бориш мумкин. Шуниси мароқли. Кинода бундай қилиб бўлмайди”.

“Томошабин сахнадаги ҳолатга мувофиқ гоҳ маюс тортиб, гоҳ кулиб турса... Бефарқ бўлса, демек асар чиқмаган”.

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотува эркин нархда.
E-mail: ishonch_dovud4@mail.ru

Бизга кўнгирак
қилинг:
Котибият
153-52-78;
Хатлар бўлими
153-85-43

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй,
Нашир кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиков
Мусахҳиҳ - А.Ербеков
Навбатчи - Р.Саидхмедова

Саҳифаловчи-дизайнер:
К.Раҳимов ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди

Тиражи: 14908

Бюджетта 1 — 814